

356 МИНГ ТОННА ТОШКЕНТ ПАХТАСИ УЧУН!

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

- Иқтисодий семинарда белгиланган тадбирларни амалга оширайлик!
- Машина теримига пухта тайёргарлик кўрайлик!
- Дефолиацияни табақалаб ўтказишга алоҳида эътибор берилсин!
- Етиштирилган мўл ҳосилни машиналарда, ёрдамчилар чақирмай териб олишга қарор қилган хўжаликлар ташаббусига қўшилигимиз!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАЖИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ИЛ ЧИКИШИ

№ 173 (3911).

4

СЕНТЯБРЬ

ЧОРШАНБА

1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



ТАШАББУСГА ҚўШИЛАМИЗ

Дехқон ўзи етиштирган ҳосилни четдан ёрдамчи ёлмасдан, механизатор кўмаги билан йиғиштириб олганига не етсин? Шуниси қувончлики кейинги йилларда кўпчилик илгор хўжаликлар ва аэропортнинг дехқонлари пахта йиғим-теримига биронта ҳам ёрдамчи нақришмаяпти. Бу — комплекс механизациянинг шарофатидир.

Бизнинг эвенюида ҳам кейинги йилларда шундай қилинапти. Машина теримининг ҳавосини олводлик. Ўзоққа бормасдан, юбилей йили ақуларини кўриб чиқадиган бўлсак, шундай кўрсаткичларга дуч келамиз: 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 21,5 ўрнига 36,5 центнердан хирмон кўтарилади. Ялпи ҳосилнинг 85 проценти машиналар билан териб олинди. Менинг ўзим «ангори нема» бунеридан, хирмонга 110 тонна пахта тўқдим.

Эвеню аъзолари бу йил комплекс механизациялаштириш даражасини тагин бир поғона кўтаришга аҳд қилган эдилар. Ҳозиргача бирмунча ютуқларни қўлга киритдик. Бу йилги нозик шартларда ҳар туп гўзани серхосил қилиб ёстириш учун илгор тажрибачилар, фан ютуқларини ишга солидик. Культивация ва сугориш ишлари ўз маромида ўтказиб турлиди. Ортиқча намин қочириб максималда тупроқ тез-тез юмшатилади.

Ҳозирги пайтда далаларимизда юксак мажбуриятни гўза қоплай оладиган ҳосил етиштирилади. Гектар тўла, кўчат тўта, ҳар туп гўзада ўрта ҳисобда 10—12 тадан тўқ «беса» бор. Парваришни шу кунларда ҳам сира сусайтирмаймиз.

Ҳосилга илҳом беришга кўпроқ ҳосил қўшиш ҳаммаимизнинг диққат марказида турибди. Барча майдонлардаги гўза машинабоп қилиб ўстирилмақда. Аъза пастроқ майдонлардаги гўзаларга шарбат сув берилмапти.

Гўза парваришини давом эттириш билан бирга йиғим-терим мавсумига ҳар тарафлама тайёргарлик кўрайлиқ. Ҳўзим бошқарилган терим агрегати иш аллақачон ремонтдан чиқариб қўйилган. «Самарқанд» совхоз, «Интернационал» ва «Октябрь 40 йиллиги» колхозларининг механизаторлари ташаббусига қўшилиб, бу йил маида 90 процент ҳосилимизни машиналар билан териб олишга қарор қилдик.

Менинг ўзим бунердан ҳам келганда 125 тонна «оқ олтин» ўқишга сўз бердим. Бу сўзним ерда қолмайди.

М. ҲАСАНОВ,
Оқдод колхозининг механизатор-эвеню бошлиғи.



А. Абалин фотолари.

КАТТА ХИРМОН НИШОНАСИ

Пайкал ёқалаб ёлғиз оёқ йўлдан кетаётган Ҳарип ака кўнгли кунга яшайётган пахтазорга назар ташлаб, ич-ичидан қўвонади.

Яшил япроқлар орасидан кўмуш тишларини кўрсатиб мўра-лаётган қўсақлар унга қўлиб боқётгандек, миннатдорчилигини табассум ила баён этаётгандек туюлади. У ҳозиргина нариги пайкалдан ўзиб олган бир чанок оппоқ пахтани нафтига қўйиб, қўёш нурига солади. Илақдек товланган кўмуш товлардан кўзи қамашади, қўвончдан қизарган юзига табассум югуради.

Яшил ҳосил нишонасидан қўнгли тўлиб, юраги тинчланган бригадир «ҳосилининг чўти чакни эмас, 30 центнердан сўзсиз чиқали» деб дилидан ўтказди. Кейин қўлигаги пахтани пайкал бошида эгаларга сув тараётган Сиронидан акага кўрсатди.

— Наринги пайкалдан олдим, — деди бригадир қўвонч билан, — қаранг, дўппи бўлиб очилди.

Сувчи пахтани қўлига олиб, толасини ўқиб кўрди.

— Сувга яхши қонган, чигити тўқ, — деди у, — пахта росмана пишдиби.

Шу бир чанок пахта устида ган кетди. Унинг бутун оппоқ бўлиб очилиши учун қанчадан қанча меҳнат қилиниб, саратон жазирасида қанчадан-қанча тер тўқилмади дейсиз?

Ҳар йили шундай бўлади. Табиат дехқон билан курашади, барибир енгилди. Бу йил дехқон ерга чигит ташлади-ю, табиатнинг инжиқчилиги бошланди. Ўст-устига ёғиб турган ёмғир анчагина майдондаги гўзани ноёвд қилди.

Лекин, бригада дехқонлари ўзларини йўқотиб қўйишмади. Тез фурсатда 132 гектар майдоннинг 80 гектарига қайта чигит ташлади. Ҳар туп гўза қалб ҳарорати билан парварини қилиди. Натияжада барча майдонлардаги ниҳоллар тез ривожланиб, олдингиларига етиб ошди.

— Шу сиз кўриб турган пайкаллардаги гўзалар яқин-яқингача гўза яхши ташланмасди, — деди бригада бошлиғи Ҳарип Алматов биз билан суҳбатда.

Ҳозир аса бригадамизда энг бўлиқ гўзалардан ҳисобланади. Дехқонларимиз ёз бўйи табиатнинг инжиқчилигини енгини учун ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишди. Ҳар бир туп кўчатнинг нормал ривожланиши учун барча зарур чораларни кўришди. Бу йил ҳар йилгидан ҳам мўлроқ ҳосил етиштириш ниятдами. Гектаридан планда белгиланган 26 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил олишни мўлқаллаб турибмиз. Ҳозиргина мажбуриятни қоплайдиган ҳосил тўпладик. Ҳар бир туп гўзада ўртача 9—10 тадан тўқ қўсақ бор.

Янгилуқ районидagi «Ленинград» колхознда Ҳарип Алматов бошлиқ бригада дехқонларига ўқшап эл бойлиги «оқ олтин»дан, қорон ҳосил олиш учун курашадиган бригада ва эвенюлар оз эмас. Эркин Оқдод

таев, Турдидой Бўрибоев, Толиб Далабоев ўртоқлар бошлиқ эвенюларнинг аъзолари колхознинг энг миришкор дехқонларидан.

Колхоз ерлари хир-қилиқлардан-иборат бўлишига қарамай, асосий майдонлардаги гўза машинабоп қилиб ўстирилмоқда.

Механизаторлар ялпи ҳосилнинг каттагина қисmini «эвеню» нема»лар билан териб олишга аҳд қилишди. Ҳозир улар терим техникаси ремонтини тезроқ тугаллаш учун кун сайин ғайратга ғайрат қўшмоқда. Рашид Маматмуродов, Рахим Бўрибоев, Бердаш Рустамов каби механизаторлар машиналарни пухта созлашда бошқаларга ўрнак кўрсатишмоқда.

Беш йилликнинг учинчи йилида 2000 тоннадан зиёд «оқ олтин» хирмони дратини қўлда ғайрат билан меҳнат қилаётган бу колхоз пахтакорларига зафар ёр бўлсин!

Н. ТўРАЕВ.

ГЎЗА ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Тошкент областининг хўжаликлари гўзани дефолиация қилишга киришдилар. Оқдод, Бўка ва бошқа районларнинг далалари устида самолётлар жавлон урмоқда. Бу йил 136 минг гектар ердаги гўза баргини тўктириш мўлжалланмоқда. Бу ишларда Новосибирск қишлоқ хўжалик авиациясининг учувчилари иштирок этадилар. (ЎзТАГ).

«КЎК ОЛТИН» ХИРМОНЛАРИ

Оқдодгондаги Димитров номли колхоз механизаторлари мўл-қўл «оқ олтин» билан бир қаторда йил сайин кўлаб «кўк олтин» ҳам етиштиришмоқда. Катта-катта напозорларда колхозчилар фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилганликлари туфайли табиат қийинчиликларни мардондор енгилди, ҳосил барвақт пишди етилди. Ўрим-йиғим ишлари ўтган йиллардаги нисбатан бирмунча эрта бошлаб аборилди.

Шу кунларда колхознинг напозорларида ўрим-йиғим ишлари тобора қизғин тус олапти. Аниқса, ўртоқ Т. Холмиров бошлиқ бригада аъзолари кун сайин суръатга суръат қўшишмоқда. Улар «ТС» маркали янги агрегатларни моҳирона

ишлатаётганликлари туфайли ҳар жуни 15 тоннадан зиёд «кўк олтин» пояси тайёрлашга эришиляпти.

— Бу йилги ҳосилимиз ҳар қачонгидан ҳам баранали бўлаяпти, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Т. Холмиров. — Ҳозир ҳар гектар ердан кўтарётган хирмонимиз 210 центнердан ошиб кетмоқда. Ўрим-йиғим ишларида колхозчиларимиздан Х. Райимқудов, М. Тўраев, Н. Сулаймонов, А. Боймиров сингари ўртоқлар эрта ғайрат кўрсатишляпти.

Шунингдек, колхознинг И. Эргашев, Қ. Бойбўтаев, Д. Пан ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам қанон ўрим-йиғим кун сайин авж олдирилмоқда.

Х. ОЛЛОЗАРОВ.

БАЙРОҚДОР ТРЕСТ

Фрунзе район ошхоналар трестининг коллектив аҳолига маданий-маиший хизмат ўрсатиш соҳасида бир қатор ютуқларни қўлга киритди.

Кейинги ярим ой ичда район территориясида 348 ўринли бир неча ошхона маҳалла турлилари, Глинка кучасида очилган чойхона хизматидан натта-ичкиннинг ҳаммаси хурсанд. Шота Рустамов кучасида аса 120 ўринли кафе, павлохона ва кабобхона фойдаланишга топширилди. 54-разведкада очилган чойхона ҳамда ошхона ҳар кун хўрандалар билан гавжум.

Аслида, ошхоналар трести ўтган ярим ой ичда 6 та ошхона очилиши планлаштирган эди. Кейинчалик, аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, планга қўшимча яна 3 та ошхона ишга туширилди. Бу ошхона биноларини қуришда Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига қарашиб савдо жиҳозлари заводининг коллектив мақтоғга лойиқ меҳнат қилди. Ҳозир ана шу ошхоналарнинг кўпчилигида газ ва электр ёрдамида кабоб пишдирилмоқда.

Райондаги завод ва фабрикаларнинг ишчи-хизматчилари беш кунлик иш ҳафтасига ўттичи муносабат билан трест бир қатор яхши тадбирларни амалга оширд. 19 та корхонада ярим фабрика таъмирлари билан савдо қилина бошланди. 3—4 хил овнатни илгаридан тайёрлаб қўйиш ҳам жорий этилди.

Кунин неча район ошхоналар трестига Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг ҳамда республика масабга союзлари Советининг кўмаги қилиб байроқнинг топширишга бағишланган йиғилиш бўлди. Бу йиғилишда трест директори М. Қўшоқов утган нивартада ҳам коллектив кўмаги қилиб байроқ олишга муваффақ бўлганини, байроқ бутун яна, ўз трестларида савдо қилинганлиги тўғрисида гапириб, коллективни табриклади. Уларин бундан бун ҳам аҳолига маданий-маиший хизмат ўрсатишнинг янги ажишланиш учун курашга қақирдик.

Ахил коллективга Қизил байроқ билан бирга 600 сум луд мунофоти ҳам берилди. Байронини Ўзбекистон ССР Савдо министри Ф. Юсупов топшириб, коллективнинг бундан нейинги ишларида катта муваффақиятлар тилади. Янгилуқ район партия комитетининг секретари М. Толипов, Фрунзе район партия комитетининг секретари Т. Акимовлар ҳам сўзга чиқиб, коллективнинг мунофот билан табриклидилар. Шу кунин трест ходимларидан етти кишига «Совет савдоси аълочилиси» деган фахрли ном берилди. А. Каримов, Ф. Юсупов, А. Ёзентўраев, Л. Гушенская ва бошқа ўртоқлар шундай шарафли хизмат тадбирларини амалга оширд. 19 та корхонада ярим фабрика таъмирлари билан савдо қилина бошланди. 3—4 хил овнатни илгаридан тайёрлаб қўйиш ҳам жорий этилди.



МАСТУРА Ризаева Оржоникидзе райондаги «Маданият» колхозининг илгор сут соғувчиси бўлибди. Беш йилликнинг учинчи йилида у ўз боқимидан сиғирларнинг ҳар биридан 2500 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилган. Сўрада: Мастура Ризаева.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДАН

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети обласи партия комитетининг аъзоси, меҳнатнашлар депутатлари обласи Совети ижроия комитетининг аъзоси, обласи кишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ИЛЪЯНДРЕВИЧ Дининг бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига, қариндош-уруғларига ҳамда ақилларига таъзия изҳор этадилар.

323 4-ГЭС САЙЛОВ ОКРУГИДАН ТОШКЕНТ
ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДЕПУТАТИ Р. Г. ҒАФУРОВНИ
ЧАҚИРИБ ОЛИШ БУЙИЧА ОВОЗГА ҚЎЙИШ
ОКРУГ КОМИССИЯСИНING ОВОЗГА ҚЎЙИШ
НАТИЖАЛАРИНИ ТУҒРИСИДА

АХБОРОТ

1968 йил 30 августда «Ўзбекистон ССР меҳнатнашлар депутатлари обласи, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари депутатини чақириб олиш тартиби» тўғрисидаги Қонуннинг биринчи моддасига биноан 323-сайлов округи сайловчиларининг Тошкент область Совети депутати Р. Г. Ғафуровни чақириб олиш бўйича йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатни чақириб олиш юзасидан овоз беришда 979 сайловчи ёки округдаги умумий сайловчилар сонининг 73 проценти қатнашди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1960 йил 30 июндаги «Ўзбекистон ССР меҳнатнашлар депутатлари обласи, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг депутатини чақириб олиш тартиби» тўғрисидаги Қонунига тўла мувофиқ ҳолда ўтди.

Тошкент область Совети депутати Р. Г. Ғафуровни чақириб олиш овозга қўйиш бўйича округ комиссияси Р. Г. Ғафуров Тошкент область Совети депутатлигидан қақириб олинган деб ҳисоблайди.

ОКРУГ КОМИССИЯСИ.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ